

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АБДУЛЛАЕВА УМИДА КУРБАНОВНА

**СУРУНКАЛИ ХЕЛИКОБАКТЕР БИЛАН АССОЦИЯЛАНГАН
ГАСТРИТЛАРДА АТРОФИК ТРАНСФОРМАЦИЯ ХАВФИНИ
БАШОРАТЛАШ**

14.00.05- Ички касалликлар

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдуллаева Умида Курбановна

Сурункали хеликобактер билан ассоцияланган гастритларда атрофик трансформация хавфини башоратлаш..... 3

Абдуллаева Умида Курбановна

Прогнозирование риска атрофической трансформации при хронических хеликобактер-ассоциированных гастритах..... 21

Abdullaeva Umida Kurbanovna

Predicting the risk of atrophic transformation in chronic Helicobacter-associated gastritis..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АБДУЛЛАЕВА УМИДА КУРБАНОВНА

**СУРУНКАЛИ ХЕЛИКОБАКТЕР БИЛАН АССОЦИЯЛАНГАН
ГАСТРИТЛАРДА АТРОФИК ТРАНСФОРМАЦИЯ ХАВФИНИ
БАШОРАТЛАШ**

14.00.05- Ички касалликлар

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Tib1068** рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Собирова Гузал Ниятовна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Шодикулова Гуландом Эмриевна
тиббиёт фанлари доктори

Хайрулдинов Рафик Вахидович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «2» июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (748 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «18» июнь да тарқатилди.
(2021 йил «18» июнь даги 2 рақамли реестр баённомаси)



А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сурункали гастритлар бугунги кунда, айниқса, меҳнатга лаёқатли одамлар орасида кенг тарқалиш муаммосига катта эътибор қаратилмоқда. Улар орасида энг кўп учрайдиган шакли бу сурункали *H. pylori* ассоцияланган гастритдир. *H. pylori* туфайли келиб чиққан гастритлар барча гастрит турларининг тахминан 80% ни ташкил қилади. Эпидемиологик маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг 50% дан ортиғи ушбу микроорганизм билан касалланган. Илмий тадқиқотларига кўра, «...минтақанинг бошқа давлатлари қатори Ўзбекистон ҳам нокардиал ошқозон саратони билан касалланиш ва аҳолини *H. pylori* билан юқтириш даражаси юқори бўлган мамлакатларга киради...».¹ Ушбу инфекциянинг узок давом этиши Корреа каскадини: сурункали ноатрофик гастрит, сурункали атрофик гастрит, ичак метаплазияси, дисплазия ва нокардиал ошқозон саратони ривожланишига олиб келиши долзарб муаммо бўлиб келмоқда.

Дунёда ошқозон шиллиқ қаватининг атрофик жараёнларини ривожланишининг патогенетик механизмларини таҳлил қилиш, касалликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар, эрта ташхис қўйиш йўллари ва даволашнинг самарали усулларини йўлга қўйиш учун фундаментал асосларни яратиш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Турли мамлакатларда ўтказилган кўп тармоқли изланишлар шуни кўрсатдики, ошқозон шиллиқ қаватининг атрофик жараёнларини ташхислашнинг анъанавий усуллари ноаниқ натижаларга эга бўлиб, ошқозон танаси ва антрал қисмидаги ҳолатни акс эттирувчи қондаги маркерлар учун биокимёвий таҳлиллар орқали ошқозон шиллиқ қавати морфологиясидаги ўзгаришларни аниқлаш зарурлигини белгилаб берди. Шунини ҳисобга олган ҳолда, атрофия белгиларини баҳолаш орқали ошқозон шиллиқ қаватининг атрофик жараёнларини эрта ташхислаш алоҳида аҳамият касб этади.

Юртимизда халқаро стандарт талабларига мос равишда, тиббиёт соҳасининг, турли хил соматик касалликлар ташхисоти, олдини олиш ва даволаш усулларининг ривожланиши учун, мамлакатимизда тиббий ёрдамни самарадорлигини, сифатини ва ҳаммабплигини ошириш, шунингдек патронаж хизмати ва диспансеризацияни самарали моделларини ишлаб чиқиш йўли орқали, касалликларнинг ташхисоти, давоси, олдини олишнинг юқори технологик усулларини тадбиқ қилиш ва соғлом турмуш тарзини қўллаб – қувватлаш каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, гастроэнтерологик беморларда асоратларни юзага келиш даражасини камайтиришга қаратилган профилактик чора – тадбирларни ишлаб чиқиш, замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш, асосий касаллик кечишини олдиндан аниқлаш сифатини яхшилаш, беморларнинг яшовчанлиги ва соғайиши, пепсиноген

¹ Каримов М.М. и др. Распространенность и молекулярно-генетические характеристики *Helicobacter pylori* в Узбекистане // Эффективная фармакотерапия. 2019. Т. 15. № 28. С. 48–51.

кўрсаткичларини баҳолаш орқали сурункали гастритда атрофик жараёнларни башоратлаш натижасида ногиронлик даражасини камайишига имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга келиб дунёда ошқозон шиллиқ қавати атрофик жараёнларининг серологик диагностикаси тўғрисида маълум бир тушунча мавжуд. Йиллар давомида турли муаллифлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар атрофик фундал гастритни зардоб пепсиногени - I ёки пепсиноген - I нинг пепсиноген - II га нисбати билан муваффақиятли аниқлаш мумкинлигини тасдиқлади (U. Peitz, T. Wex, M. Vieth – 2011). Биомаркерлар тўпламидан фойдаланган ҳолда серологик скрининг ўсма олди патология ва ошқозон саратони эрта кўрсаткичи сифатида хизмат қилиши мумкинлиги кўрсатилган (M. Rugge, 2016; F. Ikeda, 2016; S. Saito, 2017; T. Kotachi, 2017; H. Yoon, 2015). Японияда қабул қилинган саратон касаллигини назорат қилиш миллий дастурлари ва серологик усулларни ўз ичига олган оммавий скрининг туфайли дунёда ошқозон саратони касаллиги бўйича яшаш даражаси энг юқори, яъни 53%, бошқа мамлакатларда эса бу кўрсаткич 20 фоиздан ошмайди. Шу билан бирга, ошқозон саратони билан касалланган беморларнинг умумий таркибида аниқланган эрта саратоннинг улуши ошиб борапти (Zheng, H. 2007).

Ошқозон шиллиқ қавати атрофик жараёнларини эрта ташхисини ўрганиш учун дунёда олиб борилган тадқиқотларда бир қатор натижаларга эришилди, шу жумладан: пепсиноген - I даражаси пастлиги ва пепсиноген – I / пепсиноген – II ошқозон саратони хавфи учун башорат қилувчи аҳамиятга эга эканлиги аниқланди (Белковец А.В., 2018); пепсиногенлар даражаси орқали атрофик гастритни эрта аниқлаш усули ошқозон танасининг атрофияси борлигини ишончли аниқлашга ва унинг оғирлик даражасини баҳолашга имкон бериши аниқланди (Катчиева П.Х., 2018); гастрин - 17 ва пепсиноген - I серологик маркерларини оммавий скрининг қилиш ошқозон шиллиқ қавати атрофиясининг пайдо бўлиш хавфини тавсифлаш

имкониятини яратиши исботланган (Хубиева М.М., 2014); *H. pylori* га нисбатан ишлаб чиқарилган IgG қаторидаги антитаналар, пепсиногенлар каби зардоб биомаркерларидан фойдаланиш ошқозон саратони скрининги нархини ва халқ саломатлиги юкини камайтириши мумкинлигини аниқланган (Somee Jeong, 2017).

Сўнгги йилларда Ўзбекистон кўплаб гастроэнтерологияга йўналтирилган илмий изланишлар кўплаб олиб бориляпти. Улар орасида *H. pylori* нинг тарқалиши ва молекуляр-генетик хусусиятлари бизнинг мамлакатимизда кўрсатилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, *H. pylori* билан ассоцирланган ошқозон-ичак тизими касалликлари билан оғриган беморлар орасида сурункали атрофик ва атрофик бўлмаган гастрити бор беморларда *H. pylori* нинг Саg-мусбат штаммлари билан юқиш даражаси 80% гача бўлган (Каримов М.М., 2019).

Ҳозирги вақтда халқаро тавсиялар атрофик гастритни ўз ичига олган ошқозон шиллиқ қаватининг ўсма олди касалликларини аниқлаш зарурлигини кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда истиқболли тадқиқотларда ошқозон атрофия биомаркерларининг роли ҳали ёритилмаган. Гастроэнтерологияда сурункали гастрит ва ўлим даражаси юқори бўлган ошқозон саратонининг олдини олиш мавзусидолзарблигини ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотчилар меъда онкологик патологиясини, айниқса дастлабки босқичларида диагностикасини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш зарурлиги тўғрисида ягона фикрга келиб бўлган. Ошқозон атрофиясининг инвазив бўлмаган маркёрларини излаш муаммосини ёритиш ушбу диссертация тадқиқотининг мақсади бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши №ПЗ-2017092379 «Хеликобактер билан ассоцирланган ошқозон ичак тракти касалликларида ошқозонда атрофик, мета- ва диспластик жараёнларнинг ривожланишини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш технологияларини такомиллаштириш» (2018-2020 й.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали гастрит билан оғриган беморларда патоморфологик ва функционал боғлиқликларни баҳолаш ва кейинчалик ошқозонда атрофик, мета- ва диспластик жараёнлар хавфини башоратлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали гастритда ошқозон шиллиқ қавати клиник-эндоскопик ва морфологик хусусиятларини баҳолаш;

сурункали гастритда ошқозон шиллиқ қавати эндоскопик ва Operative Link for Gastritis Assessment (OLGA) тизими бўйича морфологик текширув натижаларини ўзаро солиштириш;

сурункали гастритда пепсиноген I ва пепсиноген II миқдорини аниқлаш ва ошқозон шиллиқ қавати морфологик текшируви билан корреляцион боғлиқликни баҳолаш;

Бухоро вилоятида нокардиал ошқозон саратони билан оғриган беморларда *H. pylori* билан ассоцияланган атрофик гастритнинг учраш даражасини аниқлаш;

ошқозон шиллиқ қаватининг атрофик, мета- ва диспластик жараёнлари шаклланишининг олдини олиш мақсадида сурункали гастрит билан оғриган беморларни кузатиш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2018-2020 йилларда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази гастроэнтерология бўлимида стационар ва амбулатор даволаниш курсини ўтган сурункали гастрит билан касалланган 118 нафар бемор ва ретроспектив таҳлил сифатида Республика онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиалидаги 152 нафар нокардиал ошқозон саратони билан оғриган беморнинг амбулатор картаси ва касаллик тарихи олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг капилляр қони, веноз қони ва зардоб, ошқозон шиллиқ қаватидан биопсия материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни бажаришда умумий клиник, биокимёвий, серологик (пепсиноген I, пепсиноген II), инструментал (¹⁴C уреазали нафас тести, ЭФГДС, тез уреаза тести, биоптатларни гистологик текшируви), статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

Сурункали гастритда ошқозон шиллиқ қавати атрофиясини ташхислаш учун тавсия этилган пепсиноген I ва пепсиноген II ни аниқлашга асосланган ноинвазив усулнинг афзаллиги исботланган;

ошқозон шиллиқ қавати атрофик жараёнлари ташхисида пепсиноген I ва пепсиноген II серологик маркерлари инвазив морфологик текшириш (OLGA тизими)га муқобил усул сифатида асосланган;

сурункали *H. pylori* ассоцияланган гастрит билан оғриган беморларда ошқозон шиллиқ қавати атрофик жараёнларини баҳолашда пепсиногенларнинг миқдори прогностик маркер сифатида исботланган;

илк марта *H. pylori* ассоцияланган атрофик гастрит билан касалланиш нокардиал ошқозон саратонининг сабаби сифатида асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали гастрит билан касалланган беморларда меъда атрофияси даражасини ташхислаш учун серологик биомаркерларни қўллаш тавсия этилган;

ошқозон шиллиқ қавати атрофиясининг ноинвазив серологик ташхисоти, инвазив морфологик текширувга нисбатан атрофик ўзгариши даражасини аниқлаш учун ишончли мезон бўлиб хизмат қилиши асосланган;

ошқозон шиллиқ қавати атрофик жараёнлари хавф гуруҳларини шакллантириш учун мослаштирилган алгоритмдан фойдаланиш тавсия этилган;

Бухоро вилоятида нокардиал ошқозон саратони билан касалланган беморларда *H. pylori* ни аниқлаш нокардиал ошқозон саратонининг эрта босқичларида ташхислаш имконини бериши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ёндашувлар ва усулларни тадқиқотда қўллашнинг тўғрилиги, текширувларнинг аниқлиги, сурункали Н. pylori билан ассоцирланган гастрит билан касалланган беморларнинг етарли танлов ҳажми, клиник, биокимёвий, серологик, инструментал маълумотлардан олинган рақамли маълумотларга асосланган замонавий статистик усуллардан фойдаланиш, халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар, шунингдек назарий ва амалий тадқиқотларнинг етарлилиги ва амалий бажарилишидан олинган натижалар билан таққослаш ва оқилона баҳолаш орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ошқозон шиллиқ қавати атрофиясининг омили сифатида қон зардобадаги пепсиногенларни аниқлаш касаллик кечишини башорат қилишнинг диагностика усуллари эрта ташхислаш, ошқозон шиллиқ қавати атрофик жараёнларининг профилактикаси бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш касалликнинг ривожланишини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали гастритнинг морфологик ва морфологик бўлмаган мезонларини ва уларнинг клиник, диагностик ва прогностик аҳамиятини тизимлаштиришга, мураккаб ва қимматли тадқиқотлар ўрнини босиши мумкин бўлган пепсиноген миқдорини аниқлаш каби тавсия этилган усул ёрдамида баҳолаш натижалари ошқозон шиллиқ қаватидаги атрофик жараённинг скрининг мезонлари сифатида ишлатилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали Н. pylori билан ассоцирланган гастритда атрофик жараёнларни серологик ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сурункали гастритда минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда атрофик ўзгаришларни эрта ташхислаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Сурункали гастритда минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда атрофик ўзгаришларни эрта ташхислашнинг янги усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-р/337-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома ошқозон шиллиқ қавати атрофик жараёнларини эрта ташхислаш ва олдини олиш имконини берган;

сурункали гастритда минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ошқозонда атрофик жараёнларни эрта ташхислаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Сурункали гастритда минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ошқозонда атрофик жараёнларни эрта ташхислаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 8н-р/468-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома аҳоли орасида ошқозон шиллиқ қаватидаги атрофик ўзгаришларини эрта босқичларида аниқлаш имконини берган;

сурункали Н. pylori билан ассоцирланган гастритнинг серологик жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро

филиали ва Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 26 ноябрдаги 8н-д/207-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга татбиқ этиш диагностика сифатини оширишга, касалликнинг ривожланиш хавфини ва оғирлигини башорат қилишга, касалхонада бўлиш муддатини қисқартиришга ва шу билан беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманларда, улардан 5 таси халқаро, 3 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотларнинг республикада илм ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ифодаланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти яққол ёритилган. Тадқиқотдан олинган натижаларни соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ қилиш бўйича маълумотлар келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Адабиёт шарҳи. Сурункали хеликобактер билан ассоцияланган гастритни шаклланиш механизмлари, ривожланишини башорат қилиш ва кечиши ҳақидаги замонавий қарашлар**» адабиётлар таҳлилининг тақдим этилган: сурункали гастритнинг (СГ) таснифи ва диагностикаси, клиник ва патогенетик жиҳатлари тўғрисида замонавий маълумотлар. Назарий жиҳатлар таҳлил қилинди ва СГда атрофик жараёнларнинг эрта ташхисини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилди. Ўрганилаётган муаммо бўйича адабиёт маълумотлари асосида батафсил ўрганишни талаб қиладиган бир қатор масалалар аниқлаштирилди, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунини янада ўрганиш зарурлиги асосланди.

Диссертациянинг иккинчи бобида - «**Тадқиқот материали ва усуллари**» клиник материалнинг умумий тавсифи, лаборатория ва инструментал тадқиқот усулларини ўз ичига олган маълумотлар

келтирилган. Диссертация асосига 2018-2020 йилларда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази (РИТ ва ТРИАТМ) гастроэнтерология бўлимида стационар ва амбулатория даволаниш курсидан ўтган СГ билан касалланган 118 беморни клиник текширишлари киритилган бўлиб, назорат гуруҳи жинси ва ёши жиҳатидан асосий гуруҳга мос келадиган, анамнезида ошқозон-ичак тизими касалликлари бўлмаган ва эзофагофиброгастроуденоскопия (ЭФГДС) пайтида ошқозон шиллик қавати (ОШҚ) ўзгаришсиз сифатида баҳоланган 20 нафар кўнгилли кишилардан ташкил топган.

Беморларнинг жинси ва ёшини ҳисобга олган ҳолда тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган. Тақдим этилган материалдан кўриниб турибдики, беморларнинг ёш даражаси 45 дан 80 ёшгача бўлган. СГ билан оғриган беморлар орасида эркаклар ва аёллар нисбати 40,7% ва 59,3% ни ташкил этди (мос равишда 48 ва 70 беморлар). СГ билан оғриган беморлар орасида ўрта ва кекса ёшдаги беморлар устунлик қилди (55 ёшдан ошган беморлар текширилганларнинг 84,8 фоизини ташкил этди) (1-жадвал).

1-жадвал

Сурункали гастрит билан оғриган беморларнинг жинси ва ёшига қараб тақсимланиши

Беморлар ёши	Беморлар сони				P	Жами	
	Эркаклар		Аёллар			абс	%
	Абс	%	Абс	%			
45 – 54 ёш	10	20,8	8	11,4	>0,05	18	15,3
55 - 64 ёш	26	54,2	28	40,0	>0,05	54	45,8
65 ва катта ёш	12	25,0	34*	48,6	<0,05	46	39,0
Жами	48	100,0	70*	100,0	<0,05	118	100

Изоҳ: фарқлар эркакларнинг 65 ва катта ёш гуруҳи сонига нисбатан аҳамиятли (*- $p < 0,05$)

Беморларни текшириш умумий кўрув, шикоятларни баҳолашни, анамнезга оид маълумотларни тўплаш ва сурункали атрофик гастрит (САГ) ривожланиш хавф омилларини аниқлашни ўз ичига олган. Барча ўлчовлар бир хонада, куннинг бир вақтида амалга оширилди. Барча беморлар умумий клиник ва биокимёвий лаборатор текширувларнинг стандарт тўпламидан ўтдилар: умумий қон текшируви, умумий сийдик текшируви, копрологик таҳлил, биокимёвий қон текшируви (билирубин, аланин аминотрансфераза, аспартат аминотрансфераза). Шу билан бир қаторда, барча беморлардан иммунофермент анализ учун қон зардоби намуналари олинди (пепсиноген I, пепсиноген II (ПГ I ва ПГ II)). Ушбу юқоридаги тадқиқотлардан ташқари, кўйилган вазифаларга мувофиқ ^{14}C нафас тести ҳамда ЭФГДС текшируви билан кўплаб биопсиялар олинди, тез уреаза тести ўтказилди, сўнгра OLGA тизимидан фойдаланган ҳолда биоптатлар гистологик ўрганилди.

2015–2019 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиалида 152 та

нокардиал ошқозон саратони (НОС) ташхисли беморлар амбулатор картаси ва касаллик тарихи бўйича ретроспектив таҳлил ўтказилди.

Тадқиқотга киритилган барча (118) беморларга *H. pylori* (НР) га қарши эрадикацион терапия (ЭТ) курсини 2 схема бўйича ўтказилди: стандарт учлик терапия (протон помпаси ингибиторлари (ППИ) (рабепразол 20 мг) икки марталик дозада ва амоксициллин (қунига 2 марта 1000 мг) билан кларитромицин (500 мг қунига 2 марта) 10 кун давомида ёки висмут препаратлари билан квадротерапия (икки қарра доза ППИ ва амоксициллин (қунига 2 марта 1000 мг) билан кларитромицин (қунига 2 марта 500 мг), висмут трикалий дицитрат 120 мг қунига 4 марта ёки 240 мг дан 2 марта) 10 кун давомида. Беморларга овқатланиш бўйича тавсиялар № 2 парҳез столи асосида олиб борилди.

¹⁴C нафас тести HUBT-20P *Helicobacter pylori* detector аппаратида ўтказилди. ЭФГДС «Olympus» (Япония) фирмасининг GIF-PQ-20 эндоскопик ускунаси ёрдамида амалга оширилди. Тез уреаза тести «ASAN *Helicobacter* Test» (ASAN PHARM Co.Ltd, Жанубий Корея) планшетлари ёрдамида амалга оширилди. ППГ ва ППГ ИФА аппарати Humareader HS (Human, Германия) ёрдамида ППГ учун ИФА-БЕСТ – D-3762 ва ППГ учун ИФА-БЕСТ – D-3764 (Новосибирск) реагентлари тўпламидан фойдаланган ҳолда аниқланди. ОШҚнинг биопсия материаллини баҳолаш OLGA халқаро таснифлаш тизими томонидан амалга оширилди. Тадқиқот натижалари Windows XP учун SPSSv.15.0 (2007) ва MSExcel дастурий таъминот тўплами ёрдамида статистик ишловдан ўтказилди.

Учинчи бобда «**Шахсий изланишлар натижалари. Сурункали гастрит билан беморларни клиник-инструментал ва лаборатор текширув параметрлари**» ОШҚнинг ЭФГДС хусусияти, текширилаётган беморларнинг хусусиятлари, шу жумладан сурункали атрофик ва атрофик бўлмаган НР билан ассоцияланган гастритли беморларнинг клиник ва анамнестик хусусиятлари, текширилаётган беморларнинг умумий клиник ва биокимёвий кўрсаткичлари, НР инфекцияси юқтирилганлик кўрсаткичлари келтирилган. Эндоскопия натижаларига кўра сурункали НР билан ассоцияланган гастрит сурункали атрофик бўлмаган (САБГ) ва САГга бўлинди, улардан 65 нафари (55%) САГ билан (ўртача ёши $55,3 \pm 1,1$ ёш) ва 53 (45%) – САБГ билан (ўртача ёши $51,7 \pm 0,8$ ёш). САГ билан бўлган беморларда ЭФГДСда ошқозон тана ва антрал қисми шиллиқ қаватининг шишиши, гиперемияси ва мультифокал атрофияси аниқланди. САБГ билан оғриган беморларда антрал гастрит белгилари, сезиларли шиш, ОШҚ фокал гиперемияси ва гиперсекрецияси билан намоён бўлди.


Тадқиқот натижаларига кўра, клиник белгилар тахлилида, фарқли белгилар кўзга ташланмади. САГ ва САБГ билан беморларда деярли бир хилда эрта туйиш хисси нисбатан кўпроқ (мос равишда 89,2% ва 86,8%), қушиш нисбатан камроқ (3,1% ва 3,8%) фоизда учради. Ушбу натижалар шундай хулосага келишимизга сабаб бўлди, клиник белгилар СГ ташхисида аҳамиятли эмас.

САБГ билан огриган беморларнинг анамнестик характеристикаси тахлилида бошқа омилларга нисбатан купрок пархез тавсияларини бузиш холлари (56,6%), камроқ тузли махсулотлар қабули (5,7%) кузатилди.

САГ билан огриган беморларнинг анамнестик характеристикаси тахлилида эса асосий уринни тузли махсулотлар истеъмоли (63,1%), чекиш (73,8%) ва НОСга наслий мойиллик (72,3%) эгаллади, нисбатан камроқ яра касаллигига мойиллик (3,1%) кузатилди.


САБГ билан касалланган беморларда умумий клиник кўрсаткичлар ва қон биокимёвий текширув натижаларини тахлил қилиш шуни кўрсатдики, умумий қон тахлили норматив кўрсаткичларга мос келади. САГ билан оғриган беморларда умумий қон текшируви анемияга мойиллигини кўрсатди. Сийдик умумий тахлили ва қон биокимёвий тахлили кўрсаткичларида биз сезиларли патологик фарқларни аниқламадик.

166 беморда НР тестлари ўтказилганда уларнинг 118 нафарида НР учраши кузатилди. Ушбу 118 бемор тадқиқот учун олинди (1-расм).



1-расм. H. pylori юқтирилганлик даражаси.

НР инфекциясининг учраши 71% (n=118) га тенг эканлиги диққатни жалб қилади. Беморларнинг НР бактерияларини юқори даражада юқтирганлиги, бир томондан, СГ этиопатогенезининг шаклланиши ва ривожланишида НРнинг етакчи рол эгаллашини кўрсатади.




2-расм. Ёш гуруҳлари буйича H. pylori юқтирганлик даражаси.

Шундай қилиб, НР билан юқтиришнинг энг юқори даражаси жинсдан қатъи назар 55 дан 64 ёшгача, яъни. 45,8% (54) беморга тўғри келади (2-расм).

IV бобда «Сурункали гастритда ошқозон шиллик қавати OLGA тизими бўйича морфологик текшируви ва уни эндоскопик текширув натижалари билан солиштириш» OLGA тизими ёрдамида ОШҚ биопсия материални морфологик баҳолаш ва уларни ЭФГДС билан таққослаш натижалари кўрсатилган.

САБГ билан касалланган беморларда ОШҚда инфилтрацион ўзгаришлар даражаси тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириб, I босқич гастрит 52,8% (28), II босқич гастрит 35,8% (19), III босқич гастрит 11,3% (6) мавжудлигини кўрсатди. Шунингдек, I даражали гастрит 26,4% (14), II даража 39,6% (21), III даража 18,9 (10), IV даража 15,1% (8) беморларда кузатилган (3-расм).




Изоҳ: * фарқлар бошқа даражадаги гастритга нисбатан,

** бошқа босқичдаги гастритга нисбатан ишончли ($p < 0,05$)

3-расм. Сурункали атрофик бўлмаган гастрит билан беморлар ошқозон шиллик қавати OLGA тизими бўйича морфологик тавсифи

САГ билан беморларда ОШҚнинг катта қисмида атрофия жойлари билан бирга гипертрофия жойлари ҳам аниқланди. Эпителия хужайраларида ҳар хил оғирликдаги дистрофик ўзгаришлар аниқланди. Шиллик ҳосил қилувчи хужайралар сони кўпайган. Эпителий хужайралари орасидаги чегаралар хиралашган. ОШҚ ўз қатламининг шишиши, унинг лимфоцитлар ва плазма хужайралари билан инфилтрацияси аниқланди. Қон капиллярлари кенгайиши, улардаги қоннинг стази, айрим ҳолларда майда қон қуюлишлар аниқланди. Морфологик тадқиқотлардан олинган маълумотларни таққослашда қуйидаги хулосага келинди: САГ билан оғриган беморларда ошқозон танаси ва антрал қисми шиллик қаватининг атрофияси сезиларли даражада кўпроқ ($p < 0,05$), тотал атрофия, ичак метаплазияси ва дисплазия эса камроқ аниқланди ($p < 0,05$) (4-расм).



Изоҳ: фарқлар II ва III даражага нисбатан аҳамиятли (*- $p < 0,05$)

4-расм. Сурункали атрофик гастрит билан беморлар ошқозон шиллик қавати морфологик тавсифи

Ошқозоннинг турли қисмларида атрофик ўзгаришларнинг локализациясига қараб эндоскопик текширув натижалари турлича эди (2-жадвал). Олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, ЭФГДС ва морфологик таҳлиллар пайтида СГ билан оғриган беморларда ОШҚнинг атрофик ўзгаришини ташхислашда уларнинг натижалари фақат 53,8% га тўғри келишини аниқладик. Морфологик усул билан аниқланган ОШҚнинг атрофик ўзгариши бўлган беморларнинг тахминан ярми (46,2%) етарли даражада эндоскопик баҳолаш учун мавжуд эмас ва «гастритик» жараённи серологик ва гистологик текширишга бўлган эҳтиёж тўлиқ асосланади.

2-жадвал

Сурункали атрофик гастрит билан беморлар ошқозон шиллик қавати ЭФГДС ва морфологик текширув натижаларини қиёсий баҳолаш

Атрофия	Морфологик текширув, n=65		ЭФГДС, n=65	
	абс	%	абс	%
Ошқозон тана қисми шиллик қавати атрофияси	25	38,5	11	16,9
Ошқозон антрал қисми шиллик қавати атрофияси	23	35,4	18	27,7
Ошқозон тана ва антрал қисми биргаликдаги атрофияси	17	26,2	6	9,2
Жами атрофия	64	98,5	35	53,8*
Атрофия йўқ	-	-	30	46,2

Изоҳ: фарқлар морфологик текширувга нисбатан аҳамиятли (* $p < 0,05$)

V бобда «Сурункали гастритда пепсиноген I ва пепсиноген II кўрсаткичлари ва уларнинг ошқозон шиллик қавати морфологик

текшируви билан корреляцион боғлиқлиги»ноинвазив усул билан ОШҚ атрофиясини аниқлаш имкониятини ўрганишга ҳаракат қилинди ва олинган натижалар ҳамда морфологик текширувдаги ОШҚ атрофик ўзгаришлари орасидаги корреляцион боғлиқлик баҳоланди. Сурункали НР билан ассоцирланган гастрит билан оғриган беморларда ПГІ, ПГІІ даражаси ва уларнинг нисбатларини аниқлаш 69 (58,5%) беморда ўтказилган, шулардан САГ билан 35 (50,7%), САБГ билан касалланган 34 (49,3%) бемор, қолган беморлар эса текширишдан бош тортишди.

САБГ билан касалланган беморларда қон зардобидаги ПГІ, ПГІІ ўртача даражаси ва уларнинг нисбати ўрганилганда, жинсий фарқлар деярли топилмади, ПГІ барча беморларда $95,4 \pm 7,2$ мкг / л, ПГІІ $14,5 \pm 1,3$ ва ПГІ/ПГІІ $6,6 \pm 0,2$, ва назорат гуруҳи кўрсаткичларидан деярли фарқланмади (3-жадвал).

3-жадвал

Сурункали атрофик бўлмаган гастрити бор беморларда зардобдаги пепсиногенлар миқдори

Жинс	ПГІ (мкг/л) M±m	ПГІІ (мкг/л) M±m	ПГІ/ ПГІІ M±m
Эркаклар, n=15 (44,1%)	98,5±7,3	15,9±1,1	6,9±0,4
Аёллар, n=19 (55,9%)	92,7±6,1	13,2±0,9	6,2±0,3
Жами, n=34 (100%)	95,4±7,2*	14,5±1,3	6,6±0,2*
Назорат гуруҳи, n=20 (100%)	107±5,6	17±1,2	6,3±1,2

Изоҳ: фарқлар назорат назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончсиз (*-p>0,05)

Олинган маълумотларнинг кейинги таҳлили шуни кўрсатдики, ошқозон танаси шиллик қавати атрофияси бўлган беморларда ПГларнинг таркиби ва уларнинг нисбати атрофияси бўлмаганларга нисбатан анча камайган. Атрофия даражаси ПГІ ва ПГІ/ПГІІ даражалари билан баҳоланганлиги сабабли, яққол атрофия даражасида мос равишда $8,7 \pm 0,1$ мкг/л ва ПГІ/ПГІІ $1,1 \pm 0,1$; сезиларли атрофияда $16,6 \pm 0,9$ мг / л ва $1,6 \pm 0,1$; кучсиз атрофияда мос равишда $27,2 \pm 1,5$ ва $2,3 \pm 0,2$ (4-жадвал).

4-жадвал


Сурункали атрофик гастрит билан беморларда пепсиноген кўрсаткичлари ва морфологик текширув натижаларини солиштириш

Атрофия даражаси	ПГІ (мкг/л) M±m	ПГІІ (мкг/л) M±m	ПГІ/ ПГІІ M±m
1. Яққол атрофия, n=7	8,7±0,1*	8,3±0,3*	1,1±0,1*
2. Сезиларли атрофия, n=15	16,6±0,9	10,6±0,4	1,6±0,1
3. Кучсиз атрофия, n=13	27,2±1,5	12,1±1,1	2,3±0,2

Изоҳ: фарқлар сезиларли ва суст атрофияга кўрсаткичларига нисбатан ишончли (*-p<0,05)

САГ ПГлар ва ОШҚ морфологик текшируви ўртасидаги корреляцион таҳлилда, гастрит босқичи ва даражаси ҳамда ПГІ ва ПГІ/ПГІІ ўртасида тўғри кучсиз боғлиқлик, ошқозон антрал қисм ва тана шиллик қават атрофияси, ичак метаплазияси, дисплазия ҳамда ПГІ ва ПГІ/ПГІІ орасида тескари ўртача ва кучсиз корреляцион боғлиқликлар мавжуд. Атрофия даражаси ошиб борган сайин ПГІ ва ПГІ/ПГІІ камайиб боради.


Шундай қилиб, атрофик гастритнинг серологик диагностикасини қўллаш тажрибаси бизни олдимизга қўйилган вазифани бажариш учун қўлланиладиган методологик даража етарли деган хулосага келишимизга имкон берди (5-расм).




5-расм. Сурункали атрофик гастритда пепсиноген ва ошқозон шиллик қавати морфологик текширувининг ўзаро корреляция кўрсаткичлари

VI бобда «Бухоро вилоятида нокардиал ошқозон саратони билан оғриган беморларда сурункали атрофик *H. pylori* билан ассоцирланган гастрит учраш даражасини ретроспектив таҳлил қилиш ва ошқозон шиллик қавати атрофик жараёнининг олдини олиш» сурункали атрофик НР билан боғлиқ гастритнинг Бухоро вилояти (БВ)да НОС билан оғриган беморларда тарқалишини ретроспектив таҳлил қилиш натижалари келтирилган. Бобнинг иккинчи қисмида ошқозон шиллик қавати атрофик жараёнларини (ОШҚАЖ) эрта ташхислаш алгоритми ва дастури ишлаб чиқилган.

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, БВда 2015-2019 йиллар оралиғида 152 нафар НОС билан оғриган беморларда сурункали атрофик НР билан ассоцирланган гастритнинг учраши умумий саратон касаллигининг кўпайиши фониди биров ўсиш кузатилди (6-расм).



6-расм. 2015-2019 йиллар давомида нокардиал ошқозон саратонига чалинган беморларда сурункали атрофик Н. рyлогі билан ассоцирланган гастрит касаллиги учраш частотаси



7-расм. Сурункали гастрит билан беморларнинг вилоятлар бўйича Н. рyлогі билан юқтирганлик даражаси

РИТ ва ТРИАТМ даги 118 (71%) беморлар ичидан 21,2% и (n=25) Бухоро вилоятидан эканлиги эътиборга молик, бу кўрсаткич илгари ўтказилган тадқиқотларга мос келади (7-расм). БЖССТ тавсиялари бўйича Н. рyлогі канцерогенезнинг биринчи омили ҳисобланади. БВ Орол бўйи минтақалари қатори Н. рyлогі юқори тарқалган ҳудудга киради. Шунга муносиб бу минтақаларда НОС юзага келиш частотаси бевосита Н. рyлогі тарқалиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу сабабли БВда ўтказган тадқиқотимизда НОС билан касалланган беморларда сурункали Н. рyлогі ассоцирланган атрофик гастритнинг юқори даражада учраши аниқланди.

Тадқиқот натижаларига асосан ОШҚАЖ хавф гуруҳларини шакллантиришнинг шахсий алгоритми ишлаб чиқилди. Ушбу алгоритмга кўра, хавф гуруҳлари 3 га бўлинган: ОШҚАЖнинг паст, ўрта ва юқори хавфи билан. Шундай қилиб, ОШҚАЖ паст хавф бўлса, ЭФГДС шифокорнинг қарори ва

анамнез ҳамда клиникасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. ОШҚАЖ ўртача ва юқори хавфида ЭФГДС билан кўп сонли биопсия ва кейинчалик OLGA и OLGIM морфологик тизимларини ҳисобга олган ҳолда ОШҚАЖ хавфининг табақалаштириш тавсия этилади. Агар НР аниқланса, ЭТ зарур.

ОШҚАЖни эрта ташхислаш бўйича ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ ОШҚАЖ оғирлик даражаси куйидаги умумий балл билан аниқланади: енгил - 3 баллгача (асосий белгилар) ва жами 6-8,5 балл, ўртача 4 дан 9 баллгача (асосий белгилар) ва умумий 9-11,5 балл, оғир 9 баллдан юқори (асосий белгилар) ва умуман 12 баллдан ва ундан юқори (8-расм).

Doctor Asosiy Bemorlar Statistika Test Bemorlar qidirish

№ п/п	Компоненты АПСОЖ	Краткое название компонента АПСОЖ	Значение признака	Значение признака	Значение признака
1	Пепсиноген I	П I	<input type="radio"/> 130-100 мкг/л	<input type="radio"/> 100-25 мкг/л	<input type="radio"/> < 25 мкг/л
2	Пепсиноген II	П II	<input type="radio"/> 22-30 мкг/л	<input type="radio"/> 30-35 мкг/л	<input type="radio"/> > 35 мкг/л
3	соотношение пепсиногенов I и II	П I / П II	<input type="radio"/> 4-3,5	<input type="radio"/> 3,5-3	<input type="radio"/> < 3
4	Антитела IgG к H. pylori	АНр	<input type="radio"/> 1-1,5 Ед/мл	<input type="radio"/> 1,5-2 Ед/мл	<input type="radio"/> > 2 Ед/мл
5	Соль в рационе	СП	<input type="radio"/> 8-12 г	<input type="radio"/> 12-15 г	<input type="radio"/> > 15 г
6	Алкоголь	А	<input type="radio"/> 200 мл /сутки	<input type="radio"/> 200-300 мл /сутки	<input type="radio"/> > 300 мл /сутки
7	Индекс курильщика	ИК	<input type="radio"/> 2,5-3,5	<input type="radio"/> 3,5-4,5	<input type="radio"/> > 4,5
8	Возраст	В	<input type="radio"/> 50-55	<input type="radio"/> 55-60	<input type="radio"/> > 60
9	Пол	П	<input type="radio"/> женщина	<input type="radio"/> мужчина	-
10	Наследственная отягощенность по раку желудка	РЖ	<input type="radio"/> женщина	<input type="radio"/> мужчина	-

Балл:

8-расм. Ошқозон шиллик қавати атрофик жараёнларини эрта ташхислаш дастури

ХУЛОСАЛАР

1. Морфологик тадқиқотларнинг хулосасига кўра САГ билан оғриган беморларда ошқозон антрал қисми шиллик қаватининг атрофияси сезиларли даражада кўпроқ ($p < 0,05$) ҳамда ошқозон танаси шиллик қаватининг атрофияси эса сезиларли даражада камроқаниқланди ($p < 0,05$). Аини дамда САБГ билан оғриган беморларда эса гастрит I босқичи (52,8%) ва II даражаси (39,6%) кўпроқ учради.

2. OLGAtизими бўйича ОШҚда морфологик усулда аниқланган атрофик ўзгаришлари бўлган беморларнинг деярли ярми (46,2%)да етарли даражада ЭФГДС орқали атрофия даражасини баҳолаш имкониятини бермайди.

3. СГ билан оғриган беморларда ПГ кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, атрофия даражаси ошиб борган сайин ПГ I $27,2 \pm 1,5$ дан $8,7 \pm 0,1$

гача ва ПГІ/ПГІІ $2,7 \pm 0,2$ дан $1,4 \pm 0,1$ гача камайиб боради ($p < 0,05$). Корреляцион таҳлил натижаларига кўра СГда атрофик жараёнларни аниқлашнинг серологик ва морфологик усуллари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлиги исботланди.

4. БВда ўтказилган НОС билан касалланган беморлар амбулатор карта ва касаллик тарихи ретроспектив таҳлили шуни кўрсатдики, НОС билан оғриган беморларда сурункали атрофик НР ассоцияланган гастрит учраш частотаси юқориликча қолмоқдалиги ва усиб боришга ($p < 0,05$) мойиллиги исботланди.

5. Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда ОШҚАЖ хавф гуруҳларини шакллантириш алгоритми ва уни эрта ташхисот дастури ишлаб чиқилди. ОШҚ атрофиясининг ноинвазив серологик ташхисоти, инвазив морфологик текширувга нисбатан ОШҚ атрофик ўзгариши даражасини аниқлаш учун ишончли мезон бўлиб хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ТЕРАПИИ И
МЕДИЦИНСКОЙ РЕАБИЛИТАЦИИ**

АБДУЛЛАЕВА УМИДА КУРБАНОВНА

**ПРОГНОЗИРОВАНИЕ РИСКА АТРОФИЧЕСКОЙ
ТРАНСФОРМАЦИИ ПРИ ХРОНИЧЕСКИХ ХЕЛИКОБАКТЕР -
АССОЦИИРОВАННЫХ ГАСТРИТАХ**

14.00.05- Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ -2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.4.PhD/Tib1068.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре терапии и медицинской реабилитации.


Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Собирова Гузал Наимовна доктор медицинских наук
Официальные оппоненты:	Шодикулова Гуландом Зикрияевна доктор медицинских наук Хайрутдинов Рафик Вахидович доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Ташкентский педиатрический медицинский институт

Защита диссертации состоится « 2 » декабря 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № 748). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан « 18 » декабря 2021 год.
(Протокол рассылки № 2 от « 18 » декабря 2021 года)



А.Г. Гадаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

А.Л. Аляви

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Проблема хронического гастрита на сегодняшний день весьма актуальна, из-за высокой распространенности заболевания, особенно среди лиц трудоспособного возраста. Одной из наиболее изученных форм гастрита является хронический *H. pylori* ассоциированный гастрит. В настоящее время развитие около 80% встречающихся форм гастритов связано с данной бактерией. Согласно эпидемиологическим данным, более 50% населения мира инфицированы данным микроорганизмом. От 20 до 50% населения индустриально развитых странах инфицировано *H. pylori*, тогда как в странах, относящихся к развивающимся уровень инфицированности составляет более 80%. «...Узбекистан, наряду с другими странами региона, относится к странам с высоким уровнем инфицированности населения *H. pylori*, достигающим высокой частоты некардиального рака желудка...».¹ Персистенция *H. pylori* в слизистой желудка в отдельных случаях способна приводить к целому каскаду патологических изменений слизистой желудка, что носит название - каскад Корреа, охватывающий хронический неатрофический гастрит либо атрофический гастрит, кишечную метаплазию, дисплазию и рак желудка. Злокачественные новообразования желудка являются серьезной проблемой для здравоохранения. Согласно стандартизованному показателю смертности от злокачественных новообразований, рак желудка находится на первом месте в Киргизстане и Узбекистане, на втором месте в Беларуси, на третьем - в Казахстане и на четвертом в Армении и Российской Федерации.

В мире проводится ряд научных исследований по созданию фундаментальных основ изучения патогенетических механизмов развития атрофических процессов слизистой желудка, разработке мероприятий по профилактике заболеваний, ранних методов диагностики и эффективных способов лечения. Проведенные в различных странах многоцентровые исследования выявили, что традиционные методы диагностирования атрофических процессов слизистой желудка имеют неоднозначные результаты, что диктовало необходимость проведения исследований морфологии слизистой желудка с помощью биохимических анализов на выявление особых маркеров в крови, которые отражают состояние корпуса и дна желудка. Учитывая это, становится понятной актуальность исследования, направленного на раннюю диагностику атрофических процессов в слизистой оболочке методом определения маркеров атрофии.

На сегодняшний день в нашей республике осуществляются широкомасштабные реформы по коренному улучшению качества и доступности высокотехнологичной специализированной медицинской помощи больным с заболеваниями желудочно-кишечного тракта. В частности, особое внимание уделяется ранней диагностике и профилактике больных с атрофическим процессом слизистой желудка, являющейся одной

¹Каримов М.М. и др. Распространенность и молекулярно-генетические характеристики *Helicobacter pylori* в Узбекистане // Эффективная фармакотерапия. 2019. Т. 15. № 28. С. 48–51.

из особо важных проблем медицины. В результате проведенных мероприятий достигнуты положительные результаты в оказании качественной гастроэнтерологической помощи. Несмотря на проведенные мероприятия число больных с заболеваниями желудочно-кишечного тракта и их осложненного течения за последние десять лет увеличилось на 22,4%. В соответствии со Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, а также согласно мерам по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлена задача по совершенствованию системы здравоохранения и дальнейшему улучшению качества медицинского обслуживания населения.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 16 февраля 2017 г., №УП-4985 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы экстренной медицинской помощи» от 16 марта 2017 г., № УП 5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, № ПП 3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. К настоящему времени в мире уже сложилось определенное представление о серологической диагностике атрофических процессов слизистой оболочки желудка. Итоги работ зарубежных авторов, проведенные в последних десятилетиях, показали, что эффективная диагностика атрофического антрального гастрита возможна способом измерения уровня сывороточного пепсиногена I или его пропорция к пепсиногену II (U. Peitz, T. Wex, M. Vieth – 2011). Исследования также демонстрируют, что серологическая диагностика с применением набора биомаркеров является надежным показателем предопухолевого состояния и ранних стадий рака желудка (M. Rugge, 2016; F. Ikeda, 2016; S. Saito, 2017; T. Kotachi, 2017; H. Yoon, 2015). Принятые в Японии национальные программы для борьбы с раком и массовый скрининг включением серологических методов привел к тому, что в этой стране определяется один из самых высоких уровней выживаемости при раке желудка во всем мире, который составляет 53%. В остальных странах данный показатель, как правило, не выше 20%. Наряду с повышением выживаемости, возросла и доля выявления рака на ранней стадии в общей структуре диагностированных случаев рака желудка (Zheng, H. 2007).

